



26
(1500)-son
2-iyul
2021

Хабар

ERUR SEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

АКТ ВАЗИРИ БОЙСУНЛИК ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



26 июн куни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов соҳа корхона, ташкилот ва муассасалари раҳбарлари билан Сурхондарё вилоятида бўлиб, Бойсун тумани ҳоқими Асқарали Жўраев ҳамроҳлигида тумандаги IT-марказ фаолияти билан танишди.

"Рақамли Ўзбекистон-2030"

МАХСУС ЎҚУВ ТРЕНИНГ

Бугун тараққиёт туфайли замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бормоқда. Ҳозирда мамлакат ривожини ва рақобатбардошлигини рақамли технологияларнинг давлат ва жамият ҳаётига қай даражада жорий этилганига боғлиқ.

Шу муносабат билан ҳукумат томонидан яна бир муҳим ҳужжат – "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси қабул қилинди (2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079). Мазкур стратегия доирасида ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари белгилаб берилиб, мақсадли кўрсаткичлар ва телекоммуникация инфратузилмаси ҳолатини такомиллаштириш бўйича "йўл хариталари" тасдиқланди.

Республикада барча соҳа корхоналари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари тармоқларини рақамли транс-



формация қилиш негизидан энг сўнгги замонавий телекоммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ушбу технологияларни тўлиқ эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш давр талабидир.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар бир соҳа негизидан билимли ва салоҳиятли мутахассислар борлиги, шубҳасиз, мамлакатни юқори поғоналарга олиб чиқишга туртки бўлади. Шу боис замонавий технологияларни қўллаган ҳолда мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш алоҳида аҳамиятга эгадир.

МАРД ЁҒЛОНЛАР МУКОФОТЛАНДИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ёғлонларимиз "Мард ёғлон" давлат мукофоти билан тақдирланди келинмоқда.

Бу йил ҳам фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун юртимизнинг 29 нафар иқтидорли йигитлари Президент қарори билан "Мард ёғлон" давлат мукофоти билан тақдирланди.

Мукофотланганлар ичида бўлажак алоқачи – Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси Нурниязов Арман Арзубай ули ҳам борлиги айниқсан қувонарлидир.

Мукофот муборак бўлсин, мард ёғлон!

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ (ТОП-5)

(2021 йил январь-май, млрд. сўм, 2020 йилга нисбатан ўсиш, фоиз)

1. Савдо хизматлари – 25 816,3 (112,2 фоиз)
2. Транспорт хизматлари – 24 366,6 (112,7 фоиз)
3. Молиявий хизматлар – 23 285,6 (128,2 фоиз)
4. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 5 996,4 (122,8 фоиз)
5. Таълим соҳасидаги хизматлар – 4 616 (145,2 фоиз)

● ЖАМИ – 104 321,1 (120,9 фоиз)



Манба: Давлат статистика қўмитаси

Харакатлар стратегияси

Jumadan
Jumagacha

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 июн куни инвестиция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги, йил якунигача амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳофазасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 25 июн куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

28 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташир билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайни қабул қилди. Икки мамлакат амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда етакчи корхона ва компанияларнинг янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳофаза қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 28 июн куни мис ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда саноат кластерини ташкил этиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда малакали мутахассисларни жамлаб, мис саноати кластерини ташкил этиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

29 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар Туркменистон халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади. Сўхбатда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июн куни Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумига ташриф буюрди. Форум Ботаника боғида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари бу ерда ташкил қилинган ёшларнинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришаётган натижаларини акс эттирувчи кўргазма ва намоишлар билан танишди. Ёшлар билан сўхбатлашиб, ўқиш ва изланишлариغا муваффақиятлар тилади. Президент байрам тадбири майдонига келиб, барча йигит-қизларни 30 июн - Ёшлар куни билан табриклади.


Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети-нинг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ва "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарорлар ҳамда "Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.

УЧИНЧИ ТАШАББУС

ТАТУ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИДА
IT-ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилишда олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва IT-Парклар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, талаба-ёшларнинг янгилик яратишлари ва амалиётга татбиқ қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича босқичма-босқич амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида Инкубация маркази очилди. Марказ очилишида Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбарияти, филиал профессор-ўқитувчилари ҳамда



талабалар иштирок этди.

Марказ илғор стартап ғоялар ва инновацион ишлар мониторингини олиб бориш, танлаш ва инкубация қилиш вазифаларини бажаради. Шунингдек, ёшларнинг стартап жамоаларини шакллантириш ва қў-

лаб-қувватлаш, лойиҳа фаолиятига тайёрлаш бўйича инновациялар соҳасидаги ёшлар ташаббусларини аниқлаш, ёш олимларнинг илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларини ривожлантиришга қўмаклашиш вазифаларини бажаради.

БЕКОВОДА ХАМ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Ўқув маркази очилиши маросимида Бекobod шаҳар ҳокимлиги, АКТ вазирлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ўзбектелеком" АК ва IT-Парк вилоят филиаллари ҳамда шаҳар ёшлари иштирок этишди.

Марказда аҳоли ва ёшларнинг ҳамда давлат бошқарув органлари ходимларининг ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўникмаларини

оширишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Ёшлар бу ерда компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника, интернетдан фойдаланиш ҳамда бошқа бир қатор йўналишларда ўз билимларини оширадилар. Шунингдек, улар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацион ишланмаларни яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқишга жалб этилади.

"РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН-2030"

1

МАХСУС ЎҚУВ ТРЕНИНГ

Бу борада "Ўзбектелеком" АК "ТПРМ" филиали томонидан "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси дастури доирасида ҳам бир қанча самарали тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини замонавийлаштириш ҳамда янги телекоммуникация қурилмалари ёрдамида хизмат турларини кўпайтириш, улар сифатини ошириш, шунингдек, инновацион технологияларни жорий этиш, бу борада хоржий етакчи мамлакатлар мутахассислари ёрдамида компания ходимлари билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш давр талаби бўлмоқда.

Компания мутахассис ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириб бориш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида ходимлар учун жорий йил 7-19 июн кунлари республикамизда фаолият юритаётган МЧЖ шаклидаги Huawei Tech. Investment Tashkent хоржий корхонаси ҳамкорлигида махсус ўқув тренинг ўтказилди. Унда фаолиятга жорий этилаётган IMS (IP Multimedia Subsystem) технологиясининг алгоритми ва дастурлаш, шунингдек, ушбу технологиянинг ҳозирда қўлланилаётган анъанавий технологиялардан афзаллик томонлари, IMS технологияси орқали кўрсатиладиган телекоммуникация хизматлари турлари



ҳақида ходимларга тушунчалар берилди. Жумладан, IMS технологияси NGN (Next Generation Network) янги авлод технологияси давомчиси сифатида технологик жиҳатдан тақомиллаштирилган бўлиб, тўлиқ IP ва SIP протоколларини қўллаб-қувватлаши, технологик жиҳатдан ресурслар тежамкорлиги ҳамда Huawei румумидаги RH2288 хизмат қурил-

малари ҳақида ва уларни ўрнатиш усуллари ҳамда дастурлаш билан боғлиқ жараёнлар акс эттирилган маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Бундан ташқари, ўқув жараёнида иштирокчиларга Ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳудудидаги "Data-марказ"да ўрнатилган замонавий қурилмалар, уларнинг ишлаш таъминоти намойиш этилди.

Ўқув курси якунида уни муваффақиятли якунлаган иштирокчиларга Huawei Tech. Investment Tashkent хоржий корхонаси томонидан мувофиқлик сертификатлари топширилди.

У.РАНИЕВ,
"Ўзбектелеком" АК
"ТПРМ" филиали ходими

АКТ ВАЗИРИ БОЙСУНЛИК ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

1 ←

Бойсун телекоммуникациялар боғламасида АКТ вазирилиги Ишчи гуруҳи ташрифидан сўнг анча ўзгаришлар бўлибди. Мижозларга почта ва барча телекоммуникация хизматлари шу ернинг ўзида кўрсатилар экан. Боғлама бошлиғи Ғайратжон Ғаффаров етакчилигидаги жамоа сифатли хизмат кўрсатишга интиломда.

IT-марказда ҳаёт қайнайди. Унинг очилиши Бойсун ёшлари ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Марказда ёшлар тил ўрганиши, робототехника билан шуғулланиши, киберспорт ўйинларини ўзлаштириб, танловларда қатнашиши, дастурчи, фрилансерлик сингари илмларни эгаллаб, IT соҳасида ўз ўринларига, маблағ топиш имкониятларига эга бўлишлари мумкин.


Очилганига кўп бўлмаса-да, марказда 96 нафар талабгор замонавий касб сирларини ўрганишга улгуришди. Менежер Санжар Обидов қисқа вақт давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида гапириб берди. Тумандаги 2-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, IT-марказ фаолларидан бири Бобур Исмоилов ташаббускорлигида бир гуруҳ ёшлар уч тилда маълумот берадиган робот ясашган. Ҳозир уни тақомиллаштириш устида изланишмоқда.

Бойсунлик Хусан Абдуқаҳҳоров ҳам ихтирочи ёшлардан. Унинг айтишича, 7-синфда ўқиб юрган пайтларидан бошлаб инкубатор ясашга қизиқиши баланд бўлган. Ҳозирда 50тадан 1000тагача тухум очтирадиган инкубатор мосламаларини ясамоқда. Ускуна ҳароратни 37,8 даражада ушлаб туради, мабодо чирок ўчиб қолса, аккумулятори олти соат вақт давомида электр энергия билан таъминлайди.

Кейинги икки ой давомида буюртмалар сони сезиларли ошди, дейди Хусан. Оилавий корхона очдик. Бу ишларда туман ҳокимлиги ёрдам бераётганди. Мана бугун АКТ вазирилиги раҳбарияти биз ясаган ускуналар билан танишди, айрим бутловчи қисмларни олишимизга кўмаклашмоқчи.

Танишув давомида АКТ вазири Шухрат Содиқов марказ ўқувчилари билан суҳбатлашди, уларга яна қандай ёрдам керак бўлса, тайёрлигини билдирди. Марказ фаолиятини янада самарали ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Бойсун тумани ҳокими Асқарали



Жўраев марказ фаолиятдан хурсанд эканини яшириб ўтирмади. Марказ ёрдамида "Ёшлар дафтари"га кирганлар, ногиронлиги борлар беминнат ўқитилаётгани, айниқса, патронаж ҳамшираларга IT ускуналаридан фойдаланишни ўргатишгани учун марказ ходимларига миннатдорлик билдирди.

Шу ернинг ўзида Сурхондарё вилояти электромагнит мослашув хизмати тақдимот ҳам ўтказди.

Мамлакатимизда ҳар йили 30 июн - Ёшлар куни сифатида кенг нишонланади. Мазкур тантана арасида - 26 июн куни тумандаги 1-касб-хунар мактабда "Вазир, ҳоким ва ёшлар учрашуви" бўлиб ўтди. АКТ вазирига туман ҳокими Асқарали

Жўраев ҳамроҳлик қилди.

Мактабга кираверишда бойсунлик хунарамандлар, ёшларнинг қўл меҳнатлари билан яратилган миллий маҳсулотлар кўргазмаси ташкил қилинди. Меҳмонлар эътиборини картон қоғоздан ясалган машиналар ўзига тортди. Уни тумандаги 5-мактаб ўқувчиси Комрон Акмалов ясаган. Қизиги, улар ҳаракатланади. Комрон ўз ихтироси ҳақида шундай жўшиб гапирдики, унинг иктидори, интилишига беихтиёр тасанно айтасиз.

Учрашувни Бойсун тумани ҳокими Асқарали Жўраев очиб, кейинги уч-тўрт йилда туманда ахборот технологиялари соҳасида сезиларли ишлар қилинганини эътироф этди. Шундан сўнг АКТ вазири Шухрат Со-

диқов сўзга чиқиб, мард Алпомишлар, гўзал Барчинойлар юрти Бойсунда кўзи ёниб турган шижоатли ёшлар билан учрашганидан мамнуллигини билдирди.

Вазирлик жамоаси нафақат сиз азиз ёшларнинг саволларингизга жавоб беришга, балки таклиф ва ғояларингизни амалга оширишга камарбаста бўлиш учун келган, - деди Шухрат Содиқов. - Шунинг учун таклиф ва ғояларингизни айтишдан тортинманг.

Аввалида биров тортиниб турган ёшлар бу сўзлардан кейин дадил ўз таклифларини билдиришди, баъзи лойиҳаларни амалга оширишда кўмак беришни илтимос қилишди.

Бойсун туманида 117 минг аҳоли яшаса, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Табиийки, уларнинг илм олишига, хунар ўрганишга иштиёқи баланд. Саволларининг аксарияти ҳам замонавий билим олишга оид бўлди. Мазкур саволларга ТАТУ ва IT-Парк раҳбарлари жавоб беришди.

Ёшлардан илҳомланган Бойсун туманидаги 1-касб-хунар мактаби директори Рўзигул Холмўминова ҳам ўқув лаборатория очишда кўмак сўради. АКТ вазири бу масалада албатта ёрдам берилишини маълум қилди.

Таниқли бахши, "Шухрат" медали соҳиби ўрлобхши Раҳимовнинг чиқиши ҳам учрашувга ўзгача бир руҳ бахш этди.

Мулоқот давомида саволлар ҳам, таклиф ва ғоялар ҳам кўп бўлди. Учрашув якунида энг яхши таклиф, ғоя ва саволлар берган ёшлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

ТЕРМИЗДАГИ СОТУВ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ОФИСИДА

Шунингдек, АКТ вазири Шухрат Содиқов Термиз шаҳрида жойлашган Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Ушбу марказни ташкил этиш учун "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг бўш турган биноси танлаб олинди, тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Замонавий компютер жиҳозлари билан таъминланган марказда дастурлаш, веб-дизайн, компютер графикаси асослари каби ихтисослашган ўқув курслари ташкил этилган. Шунингдек, бу ерда Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилоятидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ходимлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўз малакасини оширишмоқда.

Сўнгра меҳмонлар "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг Термиз шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг яқинда очилган Сотув ва хизмат кўрсатиш офисида ҳам бўлишди.

Ўтган йил давомида вилоятда замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 51,3 минг рақамли, 38та замонавий телекоммуникация куррилмалари ўрнатилиб, станциялар сони 122тага ва умумий сизими 112,8 мингга етказилган эди. 2021 йилнинг ўтган даври давомида эса 920 км. оптик тотали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлиги 5 минг км.га етказилди.

Аҳолига замонавий телекоммуникация хизмат-

ларини тақдим этиш мақсадида 2021 йил 3 март куни Термиз шаҳрида "Ўзбектелеком" миллий операторининг замонавий Савдо ва хизмат кўрсатиш офиси очилди. Ҳақиқатан ушбу масканда мижозлар учун барча шароитлар тўлақонли яратилган.

Ҳозирда Сурхондарё вилоятидаги аҳоли масканлари 104та алоқа бўлимлари орқали почта хизматлари билан қамраб олинган. 32та алоқа бўлимида аҳолига 16 турдаги давлат ва банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Боғламанинг хизмат хоналари замонавий кўринишда таъмирланиб, ходимлар учун қатор қулайликлар яратилган.

Акмал КУДРАТОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА ИШЛАШ НИЯТИДАМАН



Яхши ўқишга ва шахсий ривожланишга ҳаракат қилганман

Пойтахтимиздаги француз тилига ихтисослаштирилган 51-умумтаълим мактабида, сўнг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур академик лицейида ўқиганман.

Лицейда ўқиб юрган пайтларимда тарих фанини ўрганишга қизиқиш уйғонган ва шу сабабли айнан шу соҳада ўз йўлимни давом эттиришни ният қилдим. 2014–2018 йилларда Тошкент ислом университетида Ислом тарихи ва манбаҳунослиги йўналишида давлат гранти асосида таҳсил олдим. Университетда ҳам яхши ўқишга ва шахсий ривожланишга ҳаракат қилганман. Шу боисдан бўлса керак, ўқиш давомида Имом Бухорий номидидаги Давлат стипендиясини кўлга киритдим.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси (аввалги Тошкент ислом университети)даги ўқиш шароитлари, талабаларга яратилган имкониятлар ва сеvimли устозларимнинг борлиги сабаб, магистратурада ўқишимни давом эттириш учун ўзим таҳсил олаётган академияни танладим. Магистратуранинг биринчи босқичида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказида илмий ходим сифатида ҳам фаолият олиб бордим. Айнан ушбу марказда ўз соҳам бўйича ишлаш олганим ҳаётимдаги энг катта ютуқларимдан бири деб ўйлайман.

Магистратурани Францияда давом эттирдим деб ўйламаганман

Ростини айтсам, француз тилини мактаб даврида ўрганиб, бу тилга алоҳида меҳр қўйган бўлсам—да, айнан Францияда магистратура босқичида таҳсил оламан, деб ўйламагандим. Чунки, лицей ва университетда инглиз, араб ва форс тилларини ўрганганман. Магистратуранинг 1-босқичида таҳсил олаётган даврим Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Францияда таҳсил олиш имкониятини берувчи грант лойиҳаси эълон қилинганлигини эшитдим. Академия Халқаро бўлими кўмағида айнан шу грантни кўлга киритиш учун ҳаракатни бошладим. Бир неча бор Франция элчихонасида суҳбатдан ўтдим. Кейин ҳужжатларимни грант бераётган ташкилот Франция ташқи ишлар вазирлигига юбордим. Ва вазирликдан ижобий жавоб олдим.

Имкониятдан фойдаланиб, Францияда энг катта университетлардан бири Aix-Marseille университетининг Art, Langues, Lettres et sciences humaines (Санъат, тил, адабиёт ва ижтимоий фанлар) факултетига ҳужжатларимни юбордим ва ушбу йўналишда 2-босқичда таҳсил олиш имкониятини кўлга киритдим. Университетга ҳужжатларни юбориш, онлайн суҳбатлардан ўтиш

Лойиҳамиз доирасида бу сафар ҳозирда Франциянинг нуфузли Aix-Marseille университети докторантурасида таҳсил олаётган Феруза МАҲМАСОБИРОВА билан суҳбатлашдик.

давомида ота-онам, устозларим ва ҳамкасбларимнинг қўллаб-қувватлашлари жуда катта ёрдам бўлди.

Мен таҳсил олаётган олийгоҳ 2012 йил 1 январда ташкил топган. Асосий қароргоҳи Франция жанубидаги Марсел шаҳрида жойлашган. Aix-Marseille университетида 80000, шу жумладан, 10000 хориқлик талаба ўқийди. 1000га яқин миллий ва университет даражалари, касбий йўналтириш ва интеграция хизмати, узлуксиз ўқитиш хизмати, энг йирик ташкилотлар билан боғлиқ бўлган 120та илмий тузилмалар ва унинг 12та докторлик мактаблари мавжуд.

Исломни ўрганишга катта эътибор қаратилади

Францияда кўп сонли мусулмонлар истикомат қилади. Шу сабабдан ҳам ислом дини, ислом тарихи, мусулмонлар ҳаёти, ҳозирги давр ва исломни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Араб-мусулмон ва ҳомий-сомий халқлар дунёси йўналишида таҳсил олиш давомида жуда кўплаб соҳаларда билимларга эга бўлдим. Энг муҳими, магистратурада таҳсил олиш даврида бизда фанларни танлаш ҳуқуқи бор эди. Асосий ва мажбурий иккита фан ва қолган фанларни танлаш ҳуқуқи талабаларда бўлиб, шу асосий фанларда араб-мусулмон дунёси маданияти, адабиёти, тарихи, сийсати ҳақидаги махсус курсларда иштирок этдим.

Мен ҳам исломшунослик, тарих, тарихий антропология ва форс тили фанларини танладим. Шу ўринда таъкидлаб ўтишим жоизки, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида олган билимларим исломшунослик курсларида жуда кўл келди.

Араб мусулмон, ҳомий-сомий халқлар дунёси йўналиши жуда кенг қамровли мавзуларни ўзида мужассамлаштирган йўналишлардан. Магистратурадаги курсдошларим замонавий ислом давлатларида аёллар ҳуқуқи, ижтимоий-диний психология ва ислом тарихига оид мавзуларда магистрлик ишларини ҳимоя қилди.

Ҳозирги кунда дунёда исломфоб кучлар пайдо бўлаётган, радикализм кучаяётган бу даврда соф ислом ғояларини кўрсатиб берувчи илмий ишларнинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман. Мен танлаган мавзу эса бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ эди. Юртимиз қадим цивилизациялар вужудга келган макон, дунёга кўплаб олим-у фузаларни етиштириб берган мамлакатлар қаторига кириди. Франциялик профессор-ўқитувчиларим ўзбек талаба сифатида айнан Ўзбекистон ва ислом

тарихига оид мавзуда илмий иш сифатида олишимни маслаҳат беришди. Ва мен Европа учун ҳали ўрганилиши керак бўлган юртимиздаги қадимий шаҳарлардан бири бўлган Термиз шаҳрини танладим. Мавзу доирасида асосий вази фаҳар тарихини ёритиш эмас, балки уни ислом цивилизацияси ривожидидаги аҳамияти, шаҳарнинг Амударё билан алоқаси ва шаҳар ривожидида дарёнинг ўрнини аниқлаш, бу юртдан етишиб чиққан диний ва дунёвий уламолар меросини тадқиқ қилишдан иборат. Шу каби масалалар ёритилган магистрик ишимни ҳимоя қилдим ва ҳимоя жараёнида ҳакамлар томонидан берилган тавсияларга асосан ҳозирги кунда шу мавзуну кенгайтирган ҳолда PhD докторлик ишимда ҳам давом эттирялман.

Ижтимоий ҳимоя борасида анча илгарилаб кетган

Францияда яшаш давомида уни ҳақиқатдан ҳам Европадаги энг ривожланган давлатлардан бири эканлигига гувоҳ бўлдим. Албатта, ҳар бир давлатда бўлгани каби бу мамлакатнинг ҳам ички ва ташқи муаммолари кўп. Лекин ҳозир ўз қузатувларим давомида дуч келган ижобий томонларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакат нафақат ўз фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам ижтимоий ҳимоя қилиш борасида анча илгарилаб кетган. Ўзим талаба сифатида шахсан бунга гувоҳ бўлдим. Пандемия шароитида нафақат ҳукумат, балки турли ташкилотлар томонидан доимий тарзда ҳам маънавий, ҳам молиявий ёрдам кўрсатилди. Яъни бу даврда кўп талабалар ўз ишларидан айрилган, қайсидир маънода қийинчиликни бошидан кечираётган эди. Уша вақт мамлакатда (агар озиқ-овқат сотиб олишга имон бўлмаса) ҳар ҳафта бирламчи керакли озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиеник воситалар муҳтожларга бепул тарқатилди. Талабалар учун бу ёрдам университет ҳудудида йўлга қўйилди.

Қолаверса, университет ошхоналарида овқатланиш учун қатъий 1 евро нарх жорий қилинди. Пандемия шароитида бошланган бу ишлар ҳозирги кунгача давом этмоқда. Хуллас, бу ерда талабаларга яшаш анча осонроқ. Тиббий суғурта борасида ҳам талабаларга кўплаб шароитлар яратилган. Мен степендиант сифатида пулли суғурта қилдирилган бўлсам—да, шунингдек, барча харажатларни қоплайдиган, 100 фоиз бепул тиббий суғурта турлари мавжуд.

Имтиҳонда телефондан фойдаланиш кечирилмайди

Университет ҳаётига тўхталиб ўтадиган бўлсам, университетларга кириш осон, битириб чиқиш қийин. Магистратура учун биздаги каби тест-имтиҳонлар бўлмайди. Фақатгина керакли ҳужжатлар, баҳолар ва сертификатлар юборилади ва шулар орқали сизни танлаб олишади. Аммо, ўқиш даври юқорида айтганимдек осон эмас. Айниқса, имтиҳонлар.

Дастлаб имтиҳонлар мен учун жуда қийин бўлган эди. Сабаби ҳар бир савол (айниқса исломшунослик курсида) мантқиқий тузилган бўлиб, бир саволга жавоб топиш учун бутун курсни ўқишдан бўлиш керак бўларди. Баъзи бир курсларда давомат муҳим саналса, баъзиларида муҳим эмас. Лекин бир курсни сабабсиз уч маротабадан кўп қолдириб бўлмайди. Муҳими, курс давомида ўтилган мавзуларни имтиҳон пайтида кўрсатиб бера олишди.

Дарсларда ҳар бир талаба ўзининг мустақил фикрини билдира олади. Франция ўқув тизимида мени жуда хайратта солган бир ҳолат ҳам бор эдики, агар талаба имтиҳон пайтида телефон орқали кўлга тушиб қолса, беш йил давомида умуман ҳеч қандай имтиҳонларда, ҳатто автомобил бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат имтиҳонларида ҳам қатнаша олмаслиги ва университетдан четлатишгача бориши мумкинлиги бўлди.

Франциялик устозларим Ўзбекистонга келишади


Ҳозирги пайтда PhD докторантуранинг биринчи йилини тамомлаш арафасидаман. Диссертация ишим Ўзбекистон билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам иккинчи йилида тадқиқотимни Ўзбекистонда давом эттиришни мўлжаллаганман. Бу орада франциялик устозларимнинг ҳам Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда. Ватанга қайтганимдан сўнг ўз ишимни давом эттиришни, яъни Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказида ишлашни ният қилганман.

Бу менга ҳар томонлама ўз устимда ишлаш, Францияда олган билимларимни амалиётда қўллаш имконини беради. Келажикда шу марказнинг илмий ходими сифатида Франциядаги илмий тадқиқот институтларида стажировка ўташ ва бир неча йилдан сўнг диссертация ишимни Францияда ҳимоя қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди

IT-PARK

ХОКИМЫ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА ПОСЕТИЛИ IT-PARK



27 июня шоурум IT-Park посетили хокимы регионов Узбекистана, где их встретил директор IT-Park Фарход Ибрагимов.

Основными участниками встречи стали директор IT-Park Фарход Ибрагимов, заместитель директора IT-Park по международным отношениям Боходир Аюпов и хокимы городов и районов республики.

В ходе мероприятия Фарход Ибрагимов рассказал гостям о деятельности организации, перспективах сферы IT, развитии данной сферы в регионах и о многом другом.

В завершение мероприятия директор IT-Park Фарход Ибрагимов ознакомил хокимов со строительными работами будущего IT-комплекса, а также ответил на интересующие вопросы участников встречи.

СТАРТАПИ

СТАРТАП IT-PARK ПРИВЛЕК \$1,2 МЛН. ИНВЕСТИЦИЙ

Резидент IT-Park «DataSite Technology», будучи частью компании «zip24», привлек 1,2 млн. долларов США инвестиций в пред-посевной стадии от лондонских инвесторов «Sturgeon Capital», а также бизнес-ангелов из Великобритании и стран Совета сотрудничества Персидского залива (ССЗ), включая Nauyat Group, Teqvisory и крупного частного предпринимателя Роберта Кей.

«Наша миссия – предоставлять инновационные и быстро раз-вертываемые логистические SaaS решения для продавцов электронной коммерции, логистических операторов и других клиентов», – сказал соучредитель и исполнительный директор «zip24» Асиф Кешодиа.

«Благодаря продукции «zip24», мы позволим нашим клиентам стать более преуспевающими и прибыльными в конкурентной среде бизнеса. Мы уже помогли нашим клиентам заполнить и доставить миллионы заказов за последние 12 месяцев», – сказал генеральный директор



«zip24» Музаффар Карабаев.

Инвестиции «zip24» будут направлены на дальнейшее расширение технологий, проектную поддержку, продажи и маркетинг, а особенно на основную операционную базу, расположенную

в столице Узбекистана – городе Ташкенте. Также финансирование будет направлено на решение задач, связанных по расширению отделов продаж и маркетинга «zip24» в Ташкенте, Дубае и Лондоне.

АУКЦИОН

НА АУКЦИОН НАЧАЛИ ВЫСТАВЛЯТЬ УЧАСТКИ ДЛЯ УСТАНОВКИ РАДАРОВ В ТАШКЕНТЕ

В Ташкенте в среду выставили на аукцион 38 участков для установки радаров.



Все лоты со-проводжаются информацией о потоке и статистикой по выявленным за последние два года на этом участке нарушениям. Так можно прогнозировать, сколько можно заработать на нарушителях.

Планируется, что за счет привлечения предпринимателей в 2021—2022 годах в стране будет установлено 3356 видеокamer и 763 радара.

СМИ

TIMES.UZ ПОТЕРЯЛ 65 000 ПОДПИСЧИКОВ В ПЕРВЫЙ ДЕНЬ РАБОТЫ

Как сообщили ранее, Koronavirus Info окончательно поменял направленность и переименован в Times.uz.

В первый день работы от канала отписалось более 65 тыс. человек и на момент публикации там насчитывается 360 тыс. подписчиков.

Создатель Koronavirus Info Хикматилла Убайдуллаев сообщил Spot, что уже не имеет отношения к каналу, причем давно.

В 2020 году в разгар каранти-на это был самый популярный Telegram-канал в Узбекистане – количество реальных подписчиков достигало 1,4 млн. человек.

Koronavirus Info был официальным источником информации



по ситуации с коронавирусом в стране, его продвигали практически все ведомства, министерства, медийные и другие личности.

По мере ослабления каран-тина интерес к пандемии начал падать, люди стали отписываться и уже к июню осталось чуть более 400 тыс. человек.

ОНЛАЙН-УСЛУГИ

UZCARD СОЗДАЛ НОВУЮ КОМПАНИЮ — UNIVERSAL PLATFORMS

Единый общереспубликан-ский процессинговый центр (UZCARD) создал новую компа-нию — Universal Platforms. Об этом сообщили в пресс-службе компании, назвав это первым шагом на пути создания одно-именной экосистемы.

Компания займется разви-тием цифровой экосистемы. Среди основных задач:

- интеграция в жизнь людей и работу компаний онлайн-ус-луг и цифровых продуктов;
- предоставление доступа жителям отдаленных районов к качественным цифровым продуктам;
- создание специальной платформы для агентской сети с интеграцией с другими плат-формами;
- предоставление новых сервисов UZCARD.

МЕССЕНЖЕР

В TELEGRAM ПОЯВИЛСЯ НОВЫЙ ИНСТРУМЕНТ ДЛЯ ДОНАТОВ

В Telegram появился новый сервис для сбора донатов — ве-рифицированный бот @donate.

Бот использует технологию Payment 2.0, как сообщил Spot, под-держивает два платежных сервиса Узбекистана — CLICK и Payme.

Для приёма пожертвований администратору канала нужно добавить бота в администрато-ры с правами удаления постов. Далее надо отправить в канал ко-манду, по которой бот создаст кнопку для пожертво-ваний.



На канале должно быть более 1 000 подписчиков, он должен быть публичным, созданным более трех месяцев назад и относиться к категориям «Раз-влечение» или «Образование». Владелец канала должен пройти верификацию: отправить па-спорт и отсканировать своё лицо.

Комиссии на перевод и вы-вод средств пока составляют более 5%, но будущем будут снижены, утверждает Telegram Info. Несмотря на то, что бот выглядит нативным решением по монетизации от Telegram, это сторонний сервис сайта smart-glocal.com.



АТИГИ 95 ДОЛЛАРЛИК 5G-СМАРТФОН ЧИҚАРИЛАДИ

Орро корпорациясининг суббрендиди яқинда Realme Q3i 5G русумли бор-йўғи 153 долларлик мобил телефони чикарилади. Аммо Realme бу билан ҳам тўхтаб қолмоқчи эмас. Буни компаниянинг Хиндистон ва Европа бўлими бошлиғи Мадхав Шет India Today Tech нашрига маълум қилди.



Мадхав Шет сўзларига кўра, компания яқин орада нархи тахминан 95 АҚШ долларига тўғри келувчи янги 5G-смартфон тақдим этади. Унинг хусусиятлари айтилмаган бўлса-да, MediaTek процессори базасига қурилган бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Дунёдаги энг арзон 5G-смартфон намоёниши шу йилнинг кузида Хиндистонда бўлиб ўтади. Realme уни кейинроқ глобал бозорда ҳам сотувга чикариши кутилмоқда.

MICROSOFT ИЛК WINDOWS 11 ТАЛҚИНИНИ ТАРҚАТДИ – СИНАБ КЎРИШ МУМКИН!

28 июн куни Microsoft компанияси ўзининг янги – Windows 11 операцион тизими тақдимотини ўтказди.

Энди эса янги амалий тизимнинг биринчи талқинини расман тарқатди.



Build 22000.51 рақамли ушбу жамланма кўп жиҳатлари билан ўша – расмий тақдимотдан олдин чиққан ISO-образдасига ўхшаш, аммо фарқлари мавжуд. Windows Insiders дастури иштирокчилари мазкур Windows 11 талқинини аллақачон расман синаб кўришлари мумкин.

Windows 11 тизимидаги “Проводник” да энди буйруқлар панели бирмунча “тоза”, Microsoft Store иловаси қайта ишланган фойдаланувчи интерфейсига эга, сенсор экранда клавиатуранинг созласа бўлади.

Ноутбук билан қўшимча ташқи монитор ишлатадиган фойдаланувчилар учун улаиш яхшиланган – операцион тизим унсурлари монитор уланганида катта экранда тўғри жойлашади ва ўчирилганида йиғилиб туради.

Янги операцион тизимнинг синов талқинини ўрнатилган олдин компютернинг тизим талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилишингиз тавсия этилади.

“БИРИНЧИ ВА ОХИРГИ АЙФОН — ЕР БИЛАН ОСМОН...”: 2007 ЙИЛГИСИ ҲОЗИРГИСИ БИЛАН СОЛИШТИРИЛДИ

Узоқ 2007 йили одамлар iPhoneни биринчи марта кўришганди. Смартфонлар ҳозир бошқача, айфонлар ҳам ўзгарган. iPhoneBuff ютуб-канал Стив Жобс тақдим этган iPhone замонидан бери 12 авлод алмашган қурилманинг тезлиги

қанчалик ошганини аниқламоқчи бўлишди ва энг сўнгги модел — iPhone 12 билан тезлигини солиштиришди.

Бу смартфонларни таққослашнинг ўзи қўли. Бир ядроли илк iPhone — олти ядроли iPhone 12га, 128 МБ оператив хотира — 4 ГБа қарши!



Смартфонларнинг тезлигидаги фарқ таққотчиларни ҳаммадан кўп қизиқтирарди. Роботқўл ёрдамида ҳар икки смартфонда турли иловаларни ишга тушириб юборишди.

Тезликдаги фарқ, албатта, каттагина. iPhone 12 биринчи даврани 40 сонияда “айланиб” келган бўлса, илк iPhone 1 дақиқаю 26 сонияда маррага етиб келди. Яқиний ҳисоб: iPhone 12 учун — 1 дақиқа, iPhone учун — 2 дақиқаю 29 сония.

600 МБ/СОНИЯ! ЭНГ ТЕЗ ИШЛАЙДИГАН КОМПЮТЕР ФЛЕШКАСИ ПАЙДО БЎЛДИ


Американинг Patriot Memory компанияси дунёдаги энг тез ишлайдиган Supersonic Rage Prime 3.2 Gen 2 номли USB флеш-сақлагич ишлаб чиқди. Бу ҳақда Techpowerup хабар берди.

Аввало айтиш керакки, “Суперсоник” портатив SSD эмас. Ўлчамлари — 1 x 2,1 x 5,3 см. Оғирлиги — 8,2 грамм, иккинчи авлод type-A USB 3.2 интерфейси орқали ишлайди.

Флешка уч хил — 250 ГБ, 500 ГБ ва 1 ТБ талқинда тақриф этилмоқда. Интер-

фейсининг ўтказувчанлиги 10 Гбит/с га тенг, маълумотларни давомий узатишда 600 МБ/с гача тезликни таъминлайди. Бу хусусияти уни SATA SSD тоифали сақлагичлар даражасига анча яқинлаштиради.

600 МБ/сония — юқори тезлик, мисол учун битта филмни 1-2 сонияда кўчириб олиш мумкин.



Supersonic Rage Prime 3.2 Gen 2 Windows, Linux ва MacOS оператив тизимларига мўължалланган. Нархи 48,8 евродан бошланади.

СМАРТФОННИ БЕШ ДАҚИҚАДА 100 ФОИЗ ҚУВВАТЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ

Кембриж университети олимлари янги технологияни ўйлаб топишди — уни қўллаб смартфон аккумуляторини санқчи дақиқаларда 0 дан 100 фоизгача қувватлаш мумкин. Бу ҳақда Gizmochina ёзмоқда.

Аниқроқ айтганда, смартфон аккумулятори тўлиши учун 5 (беш) дақиқа етарли. Қолаверса, кембрижлик олимларга кўра, уларнинг янги технологияси жуда арзон, хавфсизлик даражаси эса юқори. Хусусан, қувватланиш жараёнида қизиқ кетишдан сараб, аккумулятор умрини сақлаб қолади.

Эслатиб ўтамиз, шунга ўхшаш технологияни яқиндагина Xiaomi ҳам тақдим этганди. Бу компаниянинг 200 ватт қувватли қурилмаси Mi 11 смартфон батареясини 0 дан 100 фоизгача тўдириш учун атиги 8 дақиқа сарфлаганди.



Халқаро ҳаёт

ПЕНТАГОННИНГ ЭНГ ЁШ ВА КЕКСА СОБИҚ РАҲБАРИ ВАФОТ ЭТДИ



АҚШ собиқ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд 89 ёшида вафот этди, хабар берди Euronews.

Рамсфелд икки марта Пентагонга раҳбарлик қилган: 70-йиллар ўрталарида — Жералд Форд даврида ҳамда 2000-йиллар биринчи ярмида — Жорж Буш (кичик) президентлик қилган пайтда. Эътиборлиси, илк маротабасида энг ёш, иккинчисида энг кекса мудофаа вазири сифатида АҚШ тарихида қолган. 1988 йилда АҚШ президентлиги учун сайловда қатнашган, аммо омад ундан юз ўтирган.

70-йиллардан йирик бизнес билан муваффақиятли шуғулланиб келган Рамсфелд 74 ёшида истеъфога чиққанидан сўнг хотиралар ёзиш билан шуғулланган.

ХИТОЙ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКНИ ЕНГДИ

Хитой Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг безгақдан холи мамлакат мақомини тасдиқловчи сертификатини олди.

“70 йиллик саъй-ҳаракатлардан сўнг Хитой

ЖССТнинг безгақдан холи эканлигини тасдиқловчи сертификатига эга бўлди. Бу 1940-йилларда ҳар йили ушбу касаллик билан 30 миллион касалланиш ҳолати ҳақида хабар берган мамлакат учун ажойиб ютуқ”, — дейилади ЖССТнинг чоршанба куни эълон қилинган баёнотида.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгақ йўқлиги тўғрисидаги гувоҳномасига жами 40 мамлакат эғалик қилади. Охириги бўлиб улар сафига Салвадор (2021), Аргентина (2019) ва Ўзбекистон (2018) ҳам қўшилган.

ПУТИН МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ПУЛЛИ ЭМЛАШГА КЎРСАТМА БЕРДИ

Россия президенти Владимир Путин чет элликлар ва меҳнат муҳожирлари учун пулли асосда COVID-19 га қарши эмлашни амалга оширишни буюрди. Бу ҳақда ТАСС хабар берди.

Қайд этилишича, 30 июнгача Путин мамлакатда чет элликлар учун коронавирусга қарши пуллик

эмлашни амалга ошириш имкониятини таъминлаш ҳамда 15 йилга қадар эса меҳнат муҳожирларини эмлаш кампаниясини ташкил этиш тўғрисида ҳисоботни кутмоқда.

ЭРДОҒАН СУЛТОН СУЛАЙМОННИНГ ОРЗУСИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Президент Режеп Таййип Эрдоған 26 июн куни Қора ва Мармар денгизларини туташтирувчи Истанбул сув канали қурилишига старт берди.

Бу замонавий Туркия тарихидаги энг йирик инфраструктура лойиҳасидир.

Илк маротаба канал қуриш масаласи “Муҳташам юз йил” сериали орқали кўпчилигимизга таниш султон Сулаймон даврида қўтарилган, аммо бундай канални қурдиришга қудратли ҳукмдорнинг — да иқтисодий қурби етмаган экан. Эрдоған эса 2011 йилдан бери ўша орзунини амалга ошириш иштиғида.

Канални қуриш мамлакат бюджетига \$15 млрд. долларга тушади, шундан тахминан \$1,4 миллиарди кўприкларни қуришга кетади. Харажатларини 10 йил давомида транзитлардан тушган пуллар орқали чикариб олиш режалаштирилган.

Каналнинг узунлиги — 45 километр, бир кунда 160 та кема ўткази оладиган бўлади.



АЛОҚА СОҲАСИ ФИДОЙИЛАРИ

МЕҲНАТ БИЛАН ҚАДР ТОПДИМ

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси линия-кабел иншоотлари тўғрисидаги Низомда лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Уларни ўз вақтида ва бекам қўст амалга оширишда ушбу гуруҳ 1-тоифали муҳандиси, алоқа соҳасида роппа-роса 38 йилдан бери сидқидилдан ишлаб келаётган Қобил Хўжақуловнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.



– Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи, айниқса, 1-тоифали муҳандиси зиммасида катта масъулият бор, – дейди шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Мансур Зиёдуллаев. – Назарий билим ва амалий кўникмаларга, етарли иш тажрибасига эга кишиларгина мазкур масъулиятли ва шарафли касбда бениқсон ишлай оладилар. Қобил Хўжақулов ана шундай ҳамкасбларимиздан биридир.

Дарҳақиқат, шаҳар ТБ бош муҳандисининг сўзларида жон бор. Ўтган давр мобайнида Қ.Хўжақулов иш фаолиятида нимаики ютуқ ва муваффақиятга эришган бўлса, барчасида танлаган касбига меҳру садоқати мужассам эканлигини илғаб олиш қийин эмас. Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳида ишлаб бошлаганига атиги икки йил бўлган бўлса – да қисқа вақт ичида у, меҳнат интизомига қатъий риоя қилган ҳолда, белгиланган режа-топшириқлар ижросини ўз муддатида таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Гуруҳнинг 1-тоифали муҳандисига ишониб топшириладиган юмушлар эса бир талай: линия-кабел хўжалигида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун тақдим этилган лойиҳа-смета асосида ишларнинг бажарилиши муддати ва сифати, уларнинг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига, ишчи чизмалар, қурилиш нормаларига, стандартларга, хавфсизлик техникаси меъёрларига мувофиқ келишини таъминлаш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бошқа бир қатор вазифалар борки, уларнинг амалдаги ижросига Қ.Хўжақулов ҳамisha жиддий ва астойдил ёндашади.


Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтган, у Бухоро алоқа кўчма механизациялашган жамланмасида, Бухоро шаҳар шаҳарлараро телефон станцияси шаҳар телефон алоқа цехида, вилоят алоқа ишлаб чиқариш корхонаси

(ҳозирги “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали) ҳамда шаҳар телефон тармоғи 2-АТС ва бошқа бир қатор жойларда барча даражалардаги кабел пайвандловчи ва электромонтёр, етакчи муҳандис вазифаларида ҳалол-покиза меҳнат қилди. Ўз кундалик иши билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Жамоа билан ишлаш кўникмалари, айниқса, унда 2014–2015 йилларда Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 222-АТС линия-кабел иншоотлари хўжалиги бошлиғи лавозимида фаолият олиб бурганида тўлиқ шаклланди. Ушбу боғламанинг техник ҳисоб ва паспортлаштириш гуруҳи 1-тоифали муҳандиси, линия-кабел хўжалиги қурилиш гуруҳи олий тоифали муҳандиси вазифаларида фаолият юритганида ҳам иш вақтидан самарали фойдаланишга, бирор дақиқани ҳам зое кетказмастикка ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам.

Интилганга толе ёр, деганларича бор экан. Айниқса, эл-юрт, ҳамкасблари эътибори, эътирофи ва рағбатидан зиёда мезон ва ҳақиқий баҳо бўлмаса керак. Қобил Хўжақулов толмас меҳнатининг асл мазмун-моҳияти, аниқроғи, “Меҳнатим – қадрим менинг” деган ҳаётий бир иборанинг амалдаги исботи жорий йилда нишонланган Алоқачилар касб байрами арафасида яққол кўзга ташланди. Бир гуруҳ пешқадам ва фидойи алоқачилар қатори Қобил Хўжақулов ҳам кўп йиллик ва самарали меҳнати эвазига “Ўзбектелеком” АКнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Бу мукофот уни янада самарали иш олиб боришга даъват этиши турган гап.

Пировардида шунга таъкидлаш жоизки, Қ.Хўжақуловнинг умр йўлдоши – Мўмина Темирова ҳам узоқ йиллар давомида алоқа соҳасида меҳнат қилган. Тотув оилада икки қиз ва бир ўғил вояга етган. Бахтиёр оиланинг қувончли кунлари бардавом бўлишига тилақдошми.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги муҳбири



ЁШЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРИМИЗДА


Бугунги ёшлар ўзларининг илғор фикрлаши ва ташаббускорлиги билан барча соҳаларда ибрат бўлаётганларига гувоҳимиз. “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали тизимида ҳам креатив фикрловчи ёшларнинг алоҳида ўрни бор.

Шундай ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиалида ҳам 30 июн – Ёшлар куни кенг нишонланди. Тадбирда филиал директори А.Абдумўминов сўзга чиқиб, бугун мамлакатимизда ёшларга берилётган эътибор, уларга яратилган шароитлар, ўқиш ва ўз иқтидорларини намойиш этишдаги имкониятлар, филиал ёшлари эришаётган натижалар ҳақида гапириб, уларга омад тилади.

Тадбирда филиалда самарали меҳнат қилаётган ёшлар алоҳида эътироф этилиб, турли йўналишларда ютуқларга эришган 80 нафар йигит-қизга ташаккурнома ҳамда китоблар тўплами тақдим этилди. Жумладан, уларнинг 16 нафари “Энг кўп абонентларни интернет тармоғига улаган савдо офиси ходими” номинацияси, икки нафари “Энг яхши электромонтёр”, тўрт нафари “Энг фаол кабел пайвандловчи”, саккиз нафари “Абонентларни кенг поласали хизматларга улаган ёш ходим” номинациялари бўйича мукофотланди.

Абдумалик ЧОРШАНБИЕВ,
“Ўзбектелеком” АК Тошкент
филиали Ёшлар иттифоқи
бошланғич ташкилоти етакчиси

БИЗ ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ



ФАРЗАНДИНГИЗНИ БОЙ БЕРИБ ҚЎЙМАНГ

Инсониятга ҳамisha турли иллатлар хавф солиб келган. Шунлардан бири гиёхвандликдир. Маълумотларга кўра, наркобизнесга кетаётган маблағлар озиқ-овқат, кийим-кечак, тураржой, таълим тизими, тиббий хизматларга сарфланаётган маблағлардан анча кўп.

Дунё аҳолиси ўзи билан билмаган ҳолда гиёхвандликка жуда катта маблағ харжламоқда. Бу вабо таъсирида миллат генофонди бузилмоқда.

Энг оғир жиноятлар содир этиляпти. Жаҳонда айни кунда 500 миллион одам ана шу оғу дардида йўлиққан. Статистик маълумотларга кўра, наркоманларнинг ақсарияти 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлардир. Ҳа, ёшлар бахтли, соғлом ҳаётларини ўзлари қора зулматга айлантирмоқдалар ва улардан туғилган болалар бир умрлик мажруҳликка мубтало...

“Ўзбектелеком” АК ва Аҳмад Фарғоний номи-

даги ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида Халқаро гиёхвандликка қарши кураш кўни муносабати билан ташкил этган маънавий-тиббий тадбирда ана шу иллат ҳақида атрофлича сўз борди. Вилоят наркология диспансери нарколог враччи Абдужавобор Ахроровнинг очиқ мулоқоти филиал ёш мутахассислари ва марказ фойдаланувчиларида катта таассурот қолдирди.

С.ҲАФИЗОВА

Эълон!.....
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 205-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2021 йил 28 июнда “Ўзбектелеком” АК томонидан 50000,0 минг сўм, 29 июнда “UZDJITAL TV” МЧЖ томонидан 20000,0 минг сўм, 30 июнда “Radioaloqa radioeshittirishlar va televideniye markazi” ДУК томонидан 10000,0 минг сўм ҳомийлик пуллари келиб тушди. Мазкур маблағлар “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Дилшод АСАДУЛЛАЕВ: СПОРТНИ КАСБИМНИ СЕВГАНДЕК СЕВАМАН

Фаргона шаҳридаги “Афросиёб” мажмуаси ёпиқ мини-футбол майдонида туманлараро жамоаларнинг саралаш мусобақалари ниҳоятда қизгин, муросасиз ўтди. Омад водилликларга кулиб боқди. Қойил қолиш керак. Ажойиб. Улар ўтган тал ҳам ҳаммани доғда қолдирган, тезкор ўйинлари билан олқишларга сазовор бўлган эдилар.

Мусобақани бошдан охиригача кузатган “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиали директори Алижон Ибрагимов ҳам водилликлар зафаридан астойдил мамнун бўлганча изоҳ беради: “Раҳбарга кўп нарса боғлиқда. Дилшоджоннинг ўзи ашаддий футболчи, спортсевар. Буни қарангки, бошлиқ дегани ҳар жабҳада ибрат кўрсатса, умумий ишга ҳам кут-барака кираверар экан”.

Ҳўш, водиллик почтачиларнинг фаолиятида кут-барака кирётган бўлса бунга қандай омиллар туфайли эришляпти? Шу савол билан филиалнинг режаланштириш бўлими бошлиғи Обиджон Умаровга юзландик:

– Рости, боғлама раҳбари Дилшоджон Асадуллаевга қараб энди ўттиздан ошгандир, деб хаёл қиласиз. Ваҳоланки, у тўрт набиранинг бобоси. Умр шериги Зулхуморхон билан уч қизни солих инсонлар қилиб тарбиялаб қаторга қўшганлар. Ўғли мактабда юқори синфда ўқийди. Унинг фаолияти ҳақида ўйласам, юрагида гайрати борнинг иши доимо олға браверади, деган тўхтамага келаман. Ҳа, ёшларга хос табиат ҳам инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Соҳада салкам 19 йилдан буён ишлаб келаётган бўлса-да ҳеч қачон ҳеч нарсадан нолимаган. Неча йиллар хабарчи, неча йиллар алоқа бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Икки йилда, аниқроғи, ПАБ бошлиғи этиб тайинлангандан буён у яна кўп хислатлари билан кўзга ташланиб қолди. У аввало кадрларни жой-жойига қўйди. Аста-аста жамоада соғлом муҳит юзага келди. Асосийси, Дилшоджон жамоани ўзига эргаштириб, жипслаштиришга эришди. Хизмат маданиятини ҳавас қиларли даражага етказди. Хуллас, тилга олгулик натижалари кўп. Бир сўз билан айтсам, Водил почтаси илгариги маъқени тикламоқда. Мен шахсан ҳадемай улар даромад режаларини ортиги билан адо этишларига шак-шубҳа қилмайман.

Спортчиларга хос серҳаракат ва қувнок бўлса-да ортиқ даражада камтар экан Дилшоджон деганлари. У касбини қанчалар яхши кўрса, спортни ҳа шун-



чалар яхши кўради. “Навқирон, азамат йигитларимизга миндан-минг раҳмат. Футболда ҳам, ишда ҳам мени ярим сўздан, бир қарашимдан тушунтиришди, – дейди у фахру ифтихор билан. – Гол уришда барчани лол қолдирган икки Улугбек, яъни Топганов ва Нишоневлар ҳам шундай. Ишда ҳам, футболда ҳам вазиятни тўғри баҳолаб, тўғри хулосалаб ҳаракат қилишди. Ишдан кейинги тинимсиз машқларни қанда қилмай келаётганимиз изсиз кетмади. Юзимиз ёруғ бўлди. Энди водий вилоятлари почтачилари ўртасидаги баҳсларга жиддий тайёргарликни бошлаймиз.”

Спорт шундай ғаройиб қудратга эга. У адолатни севади. Ғолибларни шарафлайди. Дилшоджон билан суҳбатдан маълум бўлишича, у кичик ёшдан спорт оламига кириб келган. Бунинг учун у ота-онаси Зарифжон ва Масоҳатхон Асадуллаевлардан, мактабдаги устози Холхўжа Аббосхоновлардан беҳад миннатдор.

Филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муродил Маҳмудовнинг айтишича, мини-футбол мусобақасида учала ўринларини олган жамоалар аъзоларининг пластик карталарига олган ўринларини ҳисобга олган ҳолда йириккина мукофот пул-

лари туширилибди. Бу жуда ҳам чиройли мотивация, албатта. Ярим кун бўлса ҳам ақлни дам олдириб, қадди-бастини расо қилиб олиш, соғломлашиш учун рағбат кўриш қандай ёқимли! Зеро, ҳамкорлик, биродарлик, аҳиллик, ҳамкасблар дийдорлашгани айниқса, гўзал мотивация, энг олий мукофот бўлди.

Бу мукофотлар билан чекланиб қолинмади. Саралаш ўйинларида биринчи ва иккинчи ўринларни олиб, дипломлар билан тақдирланган Водил ПАБ ва филиал жамоаларига яна бир мукофот сифатида Чимёндаги ўзбек мумтоз адабиёти намоёниси Хожаназар Хувайдо зиёратгоҳига саёҳат уюштирилди. Ўзининг фалсафий асарлари билан бадий маданият равнақиға ҳисса қўшган, пир даражасига эришган олиб, дипломлар билан тақдирланган Водил ПАБ ва филиал жамоаларига яна бир мукофот сифатида Чимёндаги ўзбек мумтоз адабиёти намоёниси Хожаназар Хувайдо зиёратгоҳига саёҳат уюштирилди.

Унингнинг фалсафий асарлари билан бадий маданият равнақиға ҳисса қўшган, пир даражасига эришган олиб, дипломлар билан тақдирланган Водил ПАБ ва филиал жамоаларига яна бир мукофот сифатида Чимёндаги ўзбек мумтоз адабиёти намоёниси Хожаназар Хувайдо зиёратгоҳига саёҳат уюштирилди.

Бу саёҳат филиалнинг ички туризмининг ривожлантириш йўлидаги хайрли ишларига яна бир мисол бўла олади. Рағбатлантиришнинг бу усули ҳар қанча бўлсин таҳсинга муносибдир.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири

АЛОҚАЧИ ФУТЗАЛЧИЛАР МУСОБАҚАЛАШДИ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги акциядорлик компаниялар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги таркибий бўлинмалари ходимлари ўртасида 26-27 июн кунлари мини-футбол (футзал) бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда жами 12та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, алоқачилар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мусобақалар қизгин ўтди. Ғолибликни қўлга киритган жамоаларга вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

МАСЛАҲАТ

КОРОНАВИРУСДАН ҚУТҚАРУВЧИ ПАРҲЕЗ

Америкалик олимлар ўсимлик ва балиқли парҳез ўрта ва оғир даражадаги COVID-19 инфекцияси ривожланиш эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради, деган хулосага келишди.

Тадқиқотчилар Франция, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия ва АҚШда ишлайдиган COVID-19 вирусини юқтириб олган 2884 нафар шифокор ва ҳамширалар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилдилар. Улар 2020 йил июл ва сентябр ойлари ораллиғида ўтказилган онлайн сўровномада иштирок этишиб, олдинги йилга нисбатан турли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш сизотасини маълум қилишди.

Хилма-хил парҳезларнинг ҳаммаси бир қанча асосий гурuhlарга бўлинган. Ўсимлик (кўпроқ ёнғоқ, сабзавот ва дуккакли ўсимликлар ҳамда камроқ парранда, қизил ва қайта ишланган гўштлар), пескетариан (балиқ ва денгиз маҳсулотлари), шунингдек, углевод миқдори кам ва оқил миқдори кўп бўлган парҳезлар шулар жумласидан. Респондентларнинг 568 нафари COVID-19 инфекциясига мос келадиган ёки инфекцияга топширган суртмаси мусбат чиққанлигини айтишган. 2316 респондент коронавирус инфекциясига ҳеч қандай шубҳа ёки оломат йўқлигини айтишган.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Хайъати:

Шухрат СОДИҚОВ (Хайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
хафтанинг
жума кунини
чиқари

Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа
уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси 30-уй.

V 4742 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табоқ. Адади: 5768

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
(74) 226-47-80

Бухорода
(99)854-7305

Жиззахда
(94) 199-95-64

Наманганда
(91) 353-71-25

Навоийда
(79) 225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
(91)557-84-44

Термизда
(99)508-30-52

Тошкентда
234-18-59

Урганча
(97) 211-65-05

Фарғонада
(73) 244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99